ЎЗБЕК АДАБИЁТИ КЛАССИКЛАРИНИНГ ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ ЗАЛИНИ ЯРАТИШ МАСАЛАЛАРИ

Муяссар Балтабаева
Миллий библиография маълумотлари базасини шакллантириш хизмати бош мутахассиси

This article highlights the creation of the electronic reading room of the classics of Uzbek literature in the National Library named after Alisher Navoi.

Республикамизда ахборот-кутубхона фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги 381-сон Президент Қароридан кейин соҳада туб ислоҳотлар даври бошланди.

2011 йили Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси замонавий, муҳташам бинога эга бўлди. Миллий кутубхона мамлакатимизда миллий ва жаҳон маданиятини, фан ва таълимни ривожлантириш йўлида ахборот-кутубхона фаолиятини ташкил этувчи ва амалга оширувчи универсал ахборот-кутубхона муассасаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 20 мартдаги "Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси-ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1729-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 апрелдаги 98-сонли қарорлари талаблари бажарилишини таъминлаш мақсадида кутубхона замонавий юқори самарали ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, ахборотлар олишнинг манбаи, шакл ва методларини танлаш имкониятини таъминлаш тамойили асосида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг интеллектуал, билим, маънавий-ахлоқий ва маданий эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш учун қулай шарт-шароитлар ва кенг ахборот-ресурслари базасини яратмоқда.

2011 йил 13 апрелда қабул қилинган «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида» 280-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасидаЎзбекистон Миллий кутубхонаси миллий ва жаҳон маданиятини, фани ва таълимини ривожлантириш манфаатларини кўзлаган ҳолда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона фаолиятини ташкил этувчи ҳамда амалга оширувчи умумдавлат универсал ахборот-кутубхона муассасаси сифатида кўрсатилган.

Ушбу қонунда Миллий кутубхонанинг бир қатор асосий функциялари белгилаб берилган ва улардан бири электрон кутубхона ва электрон каталогни шакллантиришдир. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Тўлиқ матнли маълумотлар базасини яратиш учун танланган ахборот-кутубхона ресурсларини электрон шаклга ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда.

Миллий кутубхона ҳамда Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамкорлигида ўзбек халқининг улуғ мутафаккири Алишер Навоийнинг 20 томдан "Мукаммал асарлари тўплами" рақамлаштирилган ва кутубхона сайтида (natlib.uz) электрон шаклда фойдаланувчиларга тақдим қилинган.

Электрон кутубхонанинг асосий вазифаларига китобхонларга тақдим этиш қийин бўлган ёки чекланган ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш, фақат электрон шаклда мавжуд бўлган ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш, катта ҳажмли ахборот билан ишлашда фойдаланувчиларга шарт-шароитлар яратиш киради. Бу билан хизмат кўрсатишнинг сифати ва тезкорлигини ошириш, фойдаланувчиларга электрон кутубхонанинг ахборот-кутубхона ресурсларини тақдим этиш ҳисобига ахборот-кутубхона муассасалари хизматлари рўйхатини кенгайтиришга эришилади. Шундай экан, ўзбек адабиёти классикларининг электрон ўқув залини ташкил этиш масалалари тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Адабиётшунослар, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчилар, умуман адабиёт ихлосмандлари учун мўлжалланган ушбу ўқув залини ташкил этишда махсус дизайн асосида жиҳозланган ўқув зали назарда тутилади. Бу ерда ахборотни сифатли ва қулай тақдим қилиниши учун мультимедиали компьютерлар ва бош қа техника воситалари зарур бўлади. Электрон ўқув залини яратишдаги мақсадларга эришиш учун

қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш зарур бўлади.

1. Ўзбек адабиёти классикларининг асарларини тўплаш, ўрганиш ва таҳлил қилиш.

Миллий кутубхона фондида сақланаётган ўзбек адабиёти классикларининг асарлари ва улар тўғрисидаги адабиётларни йиғиш. Миллий кутубхонада ўзбек адабиёти классикларига бағишлаб нашр қилинган библио график кўрсаткичлар ёрдамида уларнинг асарлари тўғрисида тўлиқ маълумотларни тўплаш. Бу ерда нафақат Миллий кутубхонада фондида, балки ўзбек адабиёти классикларининг асарлари сақланаётган бошқа муассасалар билан ҳам ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Адабиёт музейи, бошқа ахборот-кутубхона муассасалари ва ҳ.к.з.

2. Электрон ресурслар фондини адабиётлар билан бутлаш.

Миллий кутубхона фондидаги анъанавий кўринишдаги адабиётларни рақамлаштириш (сканерлаш) орқали электрон кутубхона фондини тўлдириш. Нашрларни рақамлаштиришда оригинал нусхаларнинг бут сақланишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бунинг учун сканерлаш жараёни учун махсус технологиялар ишлаб чиқилиши лозим. Шунингдек, кутубхонага келиб тушган анъанавий нашрларга илова қилинган электрон ресурслар билан тўлдирилиши ҳам мақсадга мувофиқ.

3. Электрон нашрларни каталоглаштириш.

Электрон ўқув залида сақланишга қабул қилинган барча турдаги маълумотлар, ташқи қурилмалардаги (CD, DVD дисклар ва б.) электрон ресурсларни каталоглаштириш қабул қилинган стандартларга мувофиқ янги библиографик тавсиф яратиш орқали амалга оширилади. Қайта ишлашнинг барча жараёнлари автоматлаштирилган режимда амалга оширилади ва фақат электрон кўринишда бўлади.

4. Ахборотнинг сақланишини ташкил этиш.

Бунда электрон ҳужжатли файлларнинг сақланишини ҳамда ахборотнинг узоқ муддатга мўлжалланган, истиқболли ўқилиши шароитларини таъминлаш тушунилади. Ташқи ташувчилар (CD, DVD дисклар ва б.) тўғри сақланишининг қоидалари мавжуд. Масалан, магнит ташувчилардан узоқ фойдаланиш учун табиатнинг магнит ва электромагнит ҳодисаларидан сақловчи махсус қурилма зарур ёки уларни кўп қувватли электромагнит майдонлари – электр двигателлари, иситгичлар ва лифт қурилмалари кабилардан узоқроқ жойлаштириши лозим. Магнит лентали кассета (аудио, видео)ларни мувозанат ҳолатидаги кучланишини йўқотиш учун ҳар 1,5 йилда айлантириб туриш лозим. Электрон ташувчиларнинг тўғри сақланишининг умумий қоидаларига уларни вертикал жойлаштириш, механик шикаст етказиш ва деформацияланиш (шаклнинг ўзгариши), ифлосланиш ва чанг бўлиши, экстремал ҳароратнинг таъсир қилиши ва қуёш нурининг тўғри тушишидан сақлаш кабилар киради. Электрон ташувчиларнинг сақланишида ҳарорат-намлик режимига риоя қилиш катта аҳамиятга эга. Ҳарорат ва у доим сақланадиган намлик қанчалик паст бўлса, ташувчининг сифати даражаси шунчалик узоқ бўлади.

5. Ахборотга бўлган эҳтиёжни таъминлаш ва ташкил қилиш.

Электрон ўқув залини ташкил қилишдан мақсад фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, халқимизнинг маданий меросига кирувчи адабиёт дурдоналарини сақлаш усулларини кенгайтириш, физик нусхалар яъни оригинал нусхаларнинг эскириб кетишини бартараф этиш, шунингдек, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчилар учун қўшимча имкониятлар яратиб беришдан иборат. Шунингдек, фойдаланувчиларга ахборот-библиогра-



фия хизмати сифатида мавзули, фактографик ва ахборотнинг бошқа турлари бўйича қидирув ишларида маслаҳатлар берилишини йўлга қўйиш мумкин бўлади.

6. Электрон кутубхонанинг ахборот хавфсизлиги. Ахборотни барча турдаги таҳдидлардан ҳимоя қилишда бир неча амаллар кўзда тутилади. Бу масалаларни ечишда бир қатор ташкилий ва дастурий-техник амалларни бажариш лозим. Электрон кутубхона ресурслари ахборот хавфсизлиги концепциясини ишлаб чиқиш, ахборотни ҳимоя қилиш тизимини лойиҳалаштириш, дастурий воситаларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш, техник воситаларни олиш ва ўрнатиш ва бошқ.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўзбек адабиёти классикларининг электрон ўқув залини яратиш бугунги кунда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси олдида ўз ечимини кутиб турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бундай ўқув залини яратиш ва хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш Миллий кутубхонада хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини оширишга катта ҳисса қўшади. Маданий меросимиз, бебаҳо қадриятларимиз бўлмиш ўзбек адабиёти классиклари ижодини кенг тарғиб қилиш ёшларнинг интеллектуал, билим, маънавий-ахлоқий ва маданий эҳтиёжларининг қондирилишига хизмат қилади ва самарали фойдаланишига катта имкониятлар яратади.

МУТОЛАА – МИЛЛАТ МАЪНАВИЙ ДАРАЖАСИНИНГ МЕЗОНИ

Дилафрўз Каримова
Андижон вилоят Ахборот-кутубхона маркази етакчи кутубхоначиси

In article it is told about libraries, books. Also it is told about philosophers of Central Asia.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2014 йилнинг "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши замирида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш каби эзгу мақсадларимиз мужассам. Албатта, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, юксак маънавиятли соғлом авлодни тарбиялашда китоблар ва кутубхоналарнинг ўрни беқиёсдир. Бинобарин, китоблар ва кутубхоналар – ўтмиш ва келажак ўртасидаги маънавий кўприк десак, муболаға бўлмайди.

Миллатнинг маънавий-руҳий дунёсини китобга бўлган муносабат, китобхонлик даражасига қараб ҳам аниқлаш мумкин. Жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган аждодларимиз эришган бетакрор ютуқларнинг сабаби ҳам китоб мутолаасидандир. Китоб руҳиятимиз озиғи, у билан дўстлашиш нафақат бизни юксалтиради, балки жаҳонни танитади, эзгуликка етаклайди.

Айни замонда мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун дунёни қамраб олиши шиддат билан бормоқда. Аслида ахборот соҳасидаги глобаллашув инсоният учун, кишиларнинг ўзаро мулоқоти учун, илм-фан ва маданий бойликларни ўзлаштириш учун улкан имкониятлар яратадиган жараёндир. Масалан, интернет тизими орқали зарур бўлган маълумотларни тез ва осон топишимиз мумкин. Лекин шуни унутмаслик керакки, китобнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди, чунки айнан китоб орқали аниқ, тўлиқ ҳамда қўшимча маълумотларга эга бўламиз. Яна шуни ҳам таъкид-